

## ҒАЛЛАНИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРДАН ҲИМОЯЛАШ

**Ҳ.И.Эргашова***Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ассистенти***У.А.Сотволдиева***Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти талаба*

**Аннотация:** Ғалладан сифатли ҳосил олишда агротехник тадбирларни ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. Ғалланинг асосий зараркунандалари зарарли хасва, трипслар, ғалла ширалари ва шилимшиқ курт (пиавица) дир. ENTOMETRIN - 25 % эм.к. ғалла майдонларидаги трипс, зарарли хасва, шираларга 0,2 л/га меъёрда ишлатиш тавсия қилинади.

**Аннотация:** Агротехнические меры имеют важное значение при получении качественного урожая. Основными вредителями пшеницы являются трипс, тля, черепашка, пиавица. Рекомендуются против этих вредителей ENTOMETRIN - 25 % эм.к. при норме 0,2 л/га.

**Annotation:** Agrotechnical measures are important in obtaining high-quality crops. The main pests of wheat are thrips, aphid, turtle, piavitsa. ENTOMETRIN is recommended against these pests - 25% em.k. at a rate of 0.2 l / ha.

Ғалладан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш учун экинларни парваришlash агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш талаб этилади. Феврал ойининг охирларида биринчи, март ойининг биринчи ўн кунлигида ўтказилган иккинчи ўғитлаш ишлари ўсимликни ўсиб ривожланишини жадаллаштиради, ҳосилдорликни ошириш учун замин яратилади. Ҳаво ҳароратининг кўтарилиши ўсимликларга ижобий таъсир кўрсатса, ўз навбатида зараркунанда хашоротларнинг қишловдан чиқишини тезлатади. Республикамизда май ойида ғалла бошоқ чиқариб, ҳосил тўплаш даврига киради. Бу даврда тавсия этилган минерал ўғитлар билан озиклантириш (суспензия сепиш) ҳосилдорликни оширибгина қолмасдан, доннинг сифат кўрсаткичларга сезиларли таъсир кўрсатади. Суспензия тайёрлашда азотли (карбамит) ўғитлардан фойдаланиш яхши натижа беради. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, карбомитли суспензия сепишдан олдин буғдой таркибидаги хлорофилл бирлиги 41,1 - 42,1 ни ташкил этган бўлса, суспензия сепилгандан кейин бу кўрсаткич 53,4-54,8 бирлигича ошганлиги аниқланган. Ғалланинг асосий зараркунандалари зарарли хасва, трипслар, ғалла ширалари ва шилимшиқ курт (пиавица) дир. Зараркурандаларга қарши курашда ғаллазорларни озиклантиришда мадан ўғитли суспензияга инсектицид қўшиб ишлатиш муҳим аҳамиятга эга, бу даврда ишчи суюқлиги сарфи ҳар бир гектарига 300 литр ҳисобида ишлатилади. Ҳашаротларга қарши кимевий кураш тадбирларини ўтказишдан олдин, уларнинг

микдорини аниқлаш, яъни ғаллазорларни 5-7 кунда камида 1 марта назоратдан ўтказиб туриш зарур.

Ҳашаротларнинг иқтисодий зарарли микдорини аниқлашда қуйидаги усуллардан фойдаланади: Зарарли хасва борлиги аниқланганда ҳар бир даладан 20 тадан намуна (ҳар бири 0,25 м/кв, яъни 50 x 50 см) олиниб, зараркунанда сони ҳисобланади. 1 метр квадратда зарарли хасва 1-2 донадан ёки янги авлод личинкалари сони 7-8 тадан ортса кимевий ишлов ўтказилади. Буғдойнинг найчалаш даврда ҳар бир пояга ўртача 8-10, гуллаш даврда эса ҳар бир бошоқда ўртача 15-20 тадан ортик трипс тўғри келса кимевий ишлов ўтказиш зарур. Ғаллазорларда ғалла шираси аниқланганда, даланинг 10 жойидан 10 тадан бошоқ назоратдан ўтказилади. 50 % ўсимликдаги бошоқлар зарарланган бўлса, шираларнинг 1 бошоқдаги ўртача сони бошоқлаш даврида 5-10 тага, дон ҳосил бўлиш даврда эса 20тага етканда кимевий усулда курашиш тавсия қилинади. Шилимшиқ қурт пайдо бўлган даланинг 20 та жойидан ҳар бири 0,25 м/кв (50x50 см) дан (10таси дала чети буйлаб, 10 таси дала марказидан диагональ бўйича ) намуна олинади. Бир вақтнинг ўзида кўз билан чамалаб барг усти сатхининг қанча фоизи зарарланганлиги аниқланади. Ҳисоб қилинганда 1 м /кв да 10-15 қўнғиз топилса ёки битта пояда 0,5-1 дона личинка тўғри келса ёки барг устининг 10-15 % сатхи зарарланган бўлса , кимевий усулда кураш олиб бориш зарурдир. Кимевий препаратларни тонг саҳарда ёки кечки салқинда ишлов ўтказиш мақсадга мувофиқдир. AGROFOS - D дастлаб зараркунандага текканда инсектицидлик самарасини беради, шунингдек бу ҳолатида ичдан таъсир этганда ҳам шундай ҳолат кузатилади. Узоқ вақт давом этадиган кейинги таъсири факат организм ичидан таъсир этганда кузатилади. AGROFOS – D қўлланилгандан кейин узоқ муддат давомида ўз таъсир кучини йўқотмайди, бу эса ўз навбатида қарши кураш, яъни пуркаш сонини қисқартиради. Зараркунандаларни етук зотларини, личинкаларини барча ривожланиш босқичларида яхши таъсир қилади. Ғалла майдонларига 0,5 л/га меъёрида тавсия қилинади. ENTOMETRIN - 25 % эм . к. бўлиб, таъсир этувчи моддаси циперметрин юқори самарали ва тез таъсир этувчи инсектицид бўлиб, қишлоқ хўжалиги экинларидаги зараркунандаларга қарши курашда кенг қўламда қўлланилади. ENTOMETRIN қишлоқ хўжалиги экинларидаги зараркунандаларга қарши курашда самарали қўлланилиб, маданий экинларга зарарли таъсир кўрсатмайди. Зараркунандалардан шиллиқ қурт, зарарли хасва, ширалар, трипсларга қарши самарали таъсир кўрсатади. Маданий ўсимликларнинг фаол ўсув даврида тарқаладиган бегона ўтлар ва касалликларга қарши қўлланиладиган кўплаб гербецид ва фунгицидлар билан бирга қўшиб ишлатилганда самарадорлиги пасаймайди. Ғалла майдонларидаги трипс, зарарли хасва, шираларга 0,2 л/га меъёрида ишлатиш тавсия қилинади. Кузги буғдой майдонларидаги бегона ўтларга қарши қуйидаги гербецидлар тавсия этилади: ENTOSTAR 75 % к.о.сус. буғдой экинзорлардаги кенг баргли бир йиллик бегона ўтларга қарши курашда қўлланиладиган юқори самарали гербециддир. Бу гербицид қўллаш учун қулай бўлиб, экиннинг 2-3 барг пайдо бўлган даврдан

бошлаб то найчалаш даврга қадар қўллаш мумкин. Ўсимлик ва ҳосил учун хавфсиздир. Тупроқда сақланиш муддатининг кам бўлганлиги сабабли резистентлигини пайдо бўлишининг олди олинади, яъни ерга тушгач тез парчаланиб кетади, такрорий экилган экинларга таъсир этмайди. Ғалла майдонларидаги 50 дан ортиқ бегона ўтларга самарали таъсир этади. Бир гектар майдонга 15-20 граммдан қўлланилади. Ҳар хил сабабларга кўра кечикиброқ ишлов ўтказилганда эса 20 гр/га ҳисобида ишлатилади. ENTOsuper 7,5 % с.м.э. гербециди буғдой экилган майдондаги бир йиллик бошоқли бегона ўтларга қарши самарали гербецид ҳисобланади. Гербецид қўлланилганда бир йиллик бошоқли бегона ўтлар ўсиш ва ривожланишдан тўхтади ва бу ҳолда тупроқдан оладиган сув ва минерал ўғитлардан фойдалана олмайди. Препарат сепилгандан сўнг 10-12 кун ичида бегона ўтлар тамоман қуриб қолади. Гектарига 0,8 -1 ,0 л/га меъёрда қўлланилади. Кимевий препаратлар билан ишлов ўтказилаётганда ҳаво очик бўлиши , ҳаво ҳарорати 18-25 градус атрофида ва намлик 65 % дан кам бўлмаган ҳолда юқори самарага эришиш мумкин. Ишлов пайтида шамолнинг тезлиги секундига 3 метр дан ортса шамол тинишини кутиш зарур. Ёғингарчилик эҳтимоли бўлганда пуркаш ишларини ёғингарчилик бошланишидан камида 4 соат олдин яқунлаш ёки ёғингарчилик тугагини кутиб, ўсимликлар қуригандан сўнг пуркаш зарур. Кимевий воситаларни қўллаш бўйича ҳамма ишлар ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича мутахассис раҳбарлигида ва назорати остида бажариш шарт. Юқоридаги агротехник тадбирларни ўз вақтида бажарилиши юқори ҳосил олиш учун пухта замин яратишига хизмат қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Хўжаев Ш.Т. “Ўсимликларни зараркунандалардан уйғунлашган ҳимоя қилишининг замонавий усул ва воситалари”. Тошкент, 2015
2. Ҳамроев А.Ш., Хасанов В.А., Сулаймонов Б.А., Кожевникова А.Г. “Ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш воситалари”. Тошкент, 2012
3. Ҳамроев А.Ш., Хасанов В.А., Сулаймонов Б.А., Кожевникова А.Г., Холмурадов Э.А. “Ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш”. Тошкент, 2013
4. Турдиева, Г. А., Камбарова, М. А., & Эргашева, Х. И. (2019). Применение гербицида Зета в выращивании озимого нута. *Инновационная наука*, (5).
5. Хайдаров, Ж., Мамадалиев, М., Эргашова, Х., & Орифжонова, У. (2021, August). USE OF BIOLOGICALLY ACTIVE SUBSTANCES IN PEST CONTROL: <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1353>. In *RESEARCH SUPPORT CENTER CONFERENCES* (No. 18.06).